

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АЧИЛОВА ДОНОХОН НУТФИЛЛОВНА

**БОЛАЛАРДА ОБСТРУКТИВ БРОНХИТНИНГ ДИАГНОСТИКА
УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ачилова Донохон Нутфуллоевна

Болаларда обструктив бронхитнинг диагностика усулларини
оптималлаштириш ва клиник-иммунологик жихатлари..... 3

Ачилова Донохон Нутфуллоевна

Клинико-иммунологические аспекты и оптимизация
методов диагностики обструктивного бронхита у детей..... 23

Achilova Donohon Nutfulloeva

Clinical and immunological aspects and optimization of
methods of diagnosis of obstructive bronchitis in children..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АЧИЛОВА ДОНОХОН НУТФИЛЛОВНА

**БОЛАЛАРДА ОБСТРУКТИВ БРОНХИТНИНГ ДИАГНОСТИКА
УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib452 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.immunology.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврузова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Исмаилова Адолат Абдурахимовна
тиббиёт фанлари доктори

Шамсиев Фуркат Мухиддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
Тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

З.С.Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда болалар нафас олиш касалликларини ташхислаш ва даволаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...чақалоқларда бронхитнинг учраши даражаси 1000 нафар туғилганларнинг 70 дан 220 нафарида учрамоқда, 5 ёшгача бўлган болаларнинг ўлим даражаси 1000 нафар тирик туғилганларга 43 нафар тўғри келиб, ортиб бориш тенденцияси сақланмоқда»¹. Турли маълумотларига кўра, «...респиратор касалликлар билан шифохонага ётқизилган беморларнинг ярмидан кўпи обструктив бронхит билан касалланган болалардир. Бронхитнинг обструктив шакллари ҳаётнинг биринчи йилида 1000 нафар болаларнинг 42,7 нафарида кузатилмоқда»². Болаларда обструктив бронхит билан касалланишнинг юқорилиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Дунёнинг турли мамлакатларида болаларда обструктив бронхитнинг ривожланиши ва ривожланишининг клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш, ташхислаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Болаларда обструктив бронхитни даволаш, касалликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар механизмини яратиш, касаллик асоратларини камайтириш ва бартараф этувчи замонавий усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, болаларда обструктив бронхитнинг учраши даражаси ва ривожланиши омилларини аниқлаш, анъанавий ва дифференцияланган иммунокоррекция даволаш усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш, иммун тизимда кечадиган ўзгаришларни аниқлаш, болалар ҳаёти давомийлиги ва сифатини яхшиловчи турли профилактика чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, янги патогенетик асосланган даволаш ва ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисига, айниқса, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, болалар касалликлари келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, тўғри ва эрта ташхислаш, самарали даволаш орқали асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»³ вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, ташхислаш ва

¹ United Nations, 2015. www.who.int/maternal_child_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1 - 679к

² The global strategy for women's, children's and adolescents' health (2016-2030).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

даволашнинг замонавий юқори технологияли усуллари ишлаб чиқиш, кенг қўллаш билан ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш орқали болалар ўлимининг олдини олиш ва чақалоқлар ҳаёт сифатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сон Фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2650-сон ва 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бронхообструктив синдромнинг табиати тўлиқ ўрганилмаган. Такрорий обструктив бронхитнинг патогенезида аллергик механизмларнинг роли ҳали ҳам аниқ эмас. Ҳақиқатан ҳам, грипп ва парагрипп вируслари, бошқа патогенлар трахея, бронхлар ва айниқса ларингеал эпителийни зарарлайди. Марказий асаб тизимининг гипоксик-ишемик шикастланиши, перинатал патологиянинг натижаси сифатида 2,3 марта эрта ёшдаги болаларда ўткир обструктив бронхитнинг ривожланиш частотасини оширади (Зайцева О.В. ва ҳаммуал., 2013). Бронхит ва аллергик сезувчанлик билан боғлиқ генотип-фенотип ассоциациялари атроф-муҳитга боғлиқ бўлиб, экологик омиллар, турмуш тарзи генетик мойилликни ўзгартиради ва касалликларга генетик таъсирни ўзгартиради (Yong Song et all, 2017).

Обструктив бронхит билан оғриган беморларда IgE ва эозинофилларнинг юқори даражаси касалликнинг патогенезида аллергик яллиғланишнинг етакчи ролини тасдиқлайди, бронхиал обструкциянинг такрорланишларини ҳисобга олган ҳолда бронхиал астма шаклланишини кўрсатиши мумкин (Аралова Е.В., 2008). Ўзбекистон Республикасида 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида нафас олиш тизими касалликлари туфайли ўлим даражаси 204,2% (1000 тирик туғилганлар учун), улар орасида обструктив бронхит - 15% ни ташкил қилади (Убайдуллаева С.А., 2010). ИЛ-8 ўткир яллиғланиш реакциясининг индикатори бўлиб хизмат қилади, нейтрофилларнинг ёпишқоқ хусусиятларини рағбатлантиради (Шамсиев Ф.М, 2017).

Шу билан бирга, ҳозирги кунга қадар ёш болаларда турли хил яллиғланиш регуляторларининг шаклланиши ва ривожланишида иштирок этиш даражаси етарли даражада ўрганилмаган, шунинг учун цитокинлар ва гуморал иммунитет омилларининг ишлаб чиқариш динамикасини тизимли ва

маҳаллий даражада ўрганиш обструктив бронхит ташҳиси ва истиқболни белгилашни оптималлаштириш учун муҳимдир.

Бир қатор тадқиқотларга қарамасдан, болаларда бронхиал гиперактивлик шаклланиши истиқболни белгилашда иммуноцитокин кўрсаткичларининг аҳамияти ҳақида умумий фикр йўқ. Иммуно тизими фаолиятининг бузилиши, шиллиқ қават барьер функциясининг йўқотилиши, эпителий ўтказувчанлигининг ошиб бориши, антибактериал омилларни ишлаб чиқарилишини кескин камайиши ҳар хил турдаги патологик ҳолатларга олиб келмоқда. Обструктив бронхит келиб чиқишини камайтириш ва уни даволаш самарадорлигини ошириш муаммоси иммунология ва педиатриянинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.002 «Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда обструктив бронхитнинг диагностика усулларини оптималлаштириш ва клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро вилояти бўйича эрта ёшдаги болаларда обструктив бронхитнинг учраш даражасини аниқлаш;

болаларда обструктив бронхит ривожланиши ва такрорланишида хавф омиллари ролини баҳолаш;

болаларда обструктив бронхит ривожланиши механизмида тизимли ва локал иммунитетнинг цитокинлар профили ва гуморал бўғини кўрсаткичлари ҳолатини аниқлаш;

болаларда бронхиал гиперактивлик шаклланишини ташҳислаш ва истиқболни белгилашни оптималлаштириш учун коморбидлик индексини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида обструктив бронхит ташҳиси билан 2010-2015 йилларда Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида назоратда бўлган 3142 нафар эрта ёшдаги болалар касаллик тарихи ретроспектив таҳлили ҳамда 135 нафар обструктив бронхит билан бемор ва 50 нафар соғлом болалар проспектив таҳлили олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар вена қони, зардоби ҳамда сўлаги иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, функционал, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор обструктив бронхит билан касалланган 1 ёшгача болаларда IL-4 ва IL-8 цитокинлар миқдорининг кескин ортиши ҳамда IL-1, IL-6 ва TNF- α цитокинлар миқдорининг меъёр даражадан фарқланмаслиги билан кечувчи иммун тизимидаги номутаносиблик бўлиши исботланган;

илк бор ўткир обструктив бронхит билан касалланган 1-3 ёшли болаларда IL-4 ва IL-8 цитокинлар миқдорининг кескин ортишига тўғри пропорционал равишда TNF- α миқдорининг кескин пасайиши аниқланган;

ўткир ва қайталанувчи обструктив бронхитли болалар қонида нейтрофиллар фагоцитар фаолиги (НФФ) меъёр ҳолатида гуморал иммунитет (IgA, IgM, IgG) кўрсаткичларининг кескин ортиши билан IgE миқдорининг турғунлиги аниқланган;

илк бор обструктив бронхит билан касалланган эрта ёшли болалар сўлагиди иммуноглобулинлар IgM ва IgG миқдорининг кескин ортиши билан IgA ва IgE миқдорининг камайиши билан кечувчи локал иммунитет фаолиятининг ўзгариши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эрта ёшдаги болаларда респиратор инфекция ва аллергия касалликларининг тез қайталаниши касаллик кечишини оғирлаштирувчи ва даволаш натижаларини пасайтирувчи омил эканлиги исботланган;

болаларда обструктив бронхитнинг навбатдаги қайталанишининг диагностик индикатори сўлакдаги IgA ва IgE иммуноглобулинлар миқдорининг камайиши эканлиги асосланган;

обструктив бронхит бўлган беморларни олиб бориш учун коморбидлик индекси (КИ) ишлаб чиқилган;

болаларда обструктив бронхитнинг бронхиал астмага ўтишини аниқлаш учун электрон дастур ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда обструктив бронхитни ташхислаш усуллари оптималлаштириш ва клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. Обструктив бронхитда қондаги цитокинлар (IL-4, IL-8, IL-1, IL-6, ва TNF- α) миқдориди ўзгаришлар билан кечувчи иммун тизимидаги номутаносибликлар, сўлакдаги иммуноглобулинлар (IgA, IgM, IgG ва IgE) миқдорининг ўзгариши билан локал иммунитет фаолиятининг ўзгариши ва улар орасидаги боғлиқлик касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эрта ёшдаги обструктив бронхит билан касалланган болаларда респиратор инфекция ва аллергия касалликларининг тез қайталаниши касаллик кечишини оғирлаштирувчи, даволаш натижаларини пасайтирувчи омил эканлиги исботланганлиги, уларда касалликни навбатдаги қайталанишининг диагностик индикатори сўлакдаги IgA ва IgE иммуноглобулинлар миқдорининг камайиши эканлиги, ишлаб чиқилган обструктив бронхит бўлган беморларни олиб бориш учун коморбидлик индекси ва касалликни бронхиал астмага ўтишини аниқлаш учун электрон дастур касаллик рецидивларини профилактика қилиш, касаллик ривожланишини олдини олиши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда обструктив бронхитнинг ташҳислаш усулларини оптималлаштириш ва клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Обструктив бронхитни эрта ёшдаги болаларда бронхиал астмага ўтишининг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги 8н-д/156-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эрта ёшдаги болаларда обструктив бронхитни бронхиал астмага ўтишини эрта аниқлаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чоратадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Обструктив бронхит: иммуномодуляторли даволаш ва олиб боришни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги 8н-д/156-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома обструктив бронхитга чалинган болаларда иммунитет цитокинлари бўғинидаги бузилишларни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволашнинг оптимал усулларини танлаш ва касалликнинг олдини олишга хизмат қилган;

болаларда обструктив бронхитнинг ташҳислаш усулларини оптималлаштириш ва клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Бухоро шаҳри, Бухоро вилояти Когон шаҳри ва Вобкент тумани тиббиёт бирлашмалари амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 8н-з/259-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар обструктив бронхит билан касалланган болаларда ташҳислаш ва янги иммунокоррегирловчи даволаш услубини қўллаш орқали болаларда касалликни қайталаниш даражасини камайитиришга, бронхиал астмага ўтишини олдини олишга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва ҳамда болаларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш хисобига иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсиф-ланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болалар пулмонологиясида иммунитет муаммосининг замонавий тақдими»** деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётлар таҳлили, шу жумладан, болаларда бронхообструктив синдромнинг этиологияси, патогенезининг иммунологик ва иммуногенетик жиҳатлари, шунингдек иммунитет ва болалар респиратор патологияси ҳақидаги янги ғоялар асосида клиник иммунология муаммолари ҳақида замонавий маълумотлар келтирилган. Коморбид шароитда обструктив бронхит билан касалланган болаларни олиб боришнинг замонавий муаммолари муҳокама қилинган.

Диссертациянинг **«Назоратдаги болалар клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган болаларнинг умумий тавсифи берилган, махсус тадқиқот усуллари тасвирланган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ болалардаги обструктив бронхит (ОБ) учраш даражасини ўрганиш мақсадида Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2010-2015 йиллардаги расмий тиббий статистика маълумотларидан фойдаланилган.

Бемор болаларнинг қони ва сўлагини иммунологик текшириш ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти иммуноморфология лабораториясида ўтказилган. Гуморал иммунитет (IgA, IgM, IgG, IgE), цитокин (IL-1, IL-4, IL-6, IL-8, TNF- α) ҳолати ва фагоцитоз кўрсаткичлари ўрганилди. Қон таҳлиллари динамикада фаол ва ремиссия даврида

олинган. ОБ фаол ва ремиссия даври динамикасида беморлар сўлагида гуморал иммунитет кўрсаткичлари ҳам ўрганилган.

Қон зардобиди ва сўлакда IgA, IgM, IgG таркиби Манчини услубида Н.Ф.Гамалея номидаги Москва микробиология ва эпидемиология институти томонидан ишлаб чиқарилган иммуноглобулинларга қарши моноспецифик зардоблардан фойдаланган ҳолда радиал иммунодиффузия усулида аниқланган. Ҳар бир текширилаётган намунанинг иммуноглобулинлари даражаси калибрлаш эгрилиги томонидан аниқланган, мг%да ифодаланган.

Лейкоцитлар фагоцитар фаоллиги Кудрявцева (1984) усулида лейкоцитлар аралашмаси ва латекс зарраларини 37°С термостатда 30 дақиқа инкубация қилиш йўли билан аниқланган. Латекс зарраларини ютган нейтрофиллар сони ҳисобланган. Олинган натижалар %да ифодаланган. Жараёнда 1,5 микрон диаметри меламино-формальдегид латекс ишлатилган (Биологик асбобсозлик илмий-тадқиқот институти, Москва).

Цитокинлар (IL-1, IL-4, IL-6, IL-8, TNF-α) берилган кўрсатмаларга мувофиқ ИФА усули билан аниқланган, «Цитокин» тест тўпламлари ишлатилган (СП, Россия).

Олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилган. Ўртача фарқларнинг ишончлилиги умумий вариантларнинг тақсимланиши ва тенглиги (Фишернинг F- мезонлари) нормаллигини текширишда хато (p) эҳтимоллигини ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезонлари асосида баҳоланган.

Диссертациянинг «**Эрта ёшдаги болалар нафас олиш патологияси билан касалланишининг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида 5 йиллик (2015-2017 йиллар) ретроспектив маълумотларни ўрганиш натижалари келтирилган.

ОБнинг клиник кечишини тавсифлаш ва 135 нафар болаларда иммуноцитокин текширувларни ўтказиш учун беморлар ёшига кўра 2 гуруҳга тақсимланган:

1-гуруҳ - 2 ойдан 1 ёшгача бўлган 80 нафар бемор болалар;

2-гуруҳ - 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган 55 нафар бемор болалар.

ОБнинг такрорланиш даражасига кўра ўрганилган бемор болалар мос равишда 2 гуруҳга бўлинган:

1-гуруҳ -ўткир обструктив бронхит билан оғриган беморлар (йилига 3 мартагача);

2-гуруҳ -қайталанувчи обструктив бронхит (йилига 3 мартадан ортик) бўлган беморлар (1-жадвал).

Маълумотларни ретроспектив ўрганиш натижалари 2015-2017 йилларда Бухоро вилоятида 3 ёшгача бўлган 525014 нафар бола рўйхатда қайд этилганлигини кўрсатган. Шу давр мобайнида умумий болалар контингентидан 2694 нафари (0,5%) илк болалик ва эрта ёшдаги болалар ОБ билан касалхонага ётқизилган.

Бизнинг тадқиқот натижасида 1-гуруҳ болаларда аксарият триггер омиллар сифатида оилада тамаки чекиш (n=62, 77,5%), хомиладорлик ва туғруқ жараёни патологияси (n=43, 53,7%) белгиланган, бунда асосий касаллик экссудатив-катарал диатез ва/ёки атопик дерматит (n=51, 63,7%) асосида кечиши аниқланган.

1-жадвал.

Обструктив бронхит учрашига ва яшаш жойига кўра бемор болалар тақсимооти

Ўткир обструктив бронхит (J.20) (n=59)				Қайталанувчи обструктив бронхит (J.44-1) (n=76)			
Фаол даври (n=59)		Ремиссия даври (n=22)		Фаол даври (n=76)		Ремиссия даври (n=28)	
2 ой-1 ёш	1-3 ёш	2ой-1 ёш	1-3 ёш	2ой-1 ёш	1-3 ёш	2ой-1 ёш	1-3 ёш
40	19	14	8	42	34	10	18
Ўғил бола, n=38		Ўғил бола, n=14		Ўғил бола, n=52		Ўғил бола, n=14	
Қиз бола, n=21		Қиз бола, n=8		Қиз бола, n=24		Қиз бола, n=14	
Шаҳар, n=15		Шаҳар, n=9		Шаҳар, n=19		Шаҳар, n=4	
Қишлоқ, n=44		Қишлоқ, n=13		Қишлоқ, n=57		Қишлоқ, n=24	

2 гуруҳдаги беморларда триггер омиллардан бир хил учраши тезлиги билан ота-оналарда TORCh-инфекцияси, марказий асаб тизимининг перинатал патологияси, носпецифик омилларнинг таъсири (совуқда қолиш, жисмоний юк, гипервентиляция, ўткир ҳидлар ва бошқалар) 69,0% ва оилада тамаки чекиш (n=35, 63,6%) ОБ нинг ўзига хос преморбид ҳолат (n=39, 71,0%) асосида кечиши аниқланган.

ОБнинг учраши 3 ёшгача бўлган болаларнинг ҳар 1000 нафарига 5,1 ҳолатни ташкил этиши аниқланди. ОБ билан касалланган болаларнинг 75,5%и қишлоқ шароитида яшаган. Яшаш манзили, жинси ва ёши бўйича ОБнинг учрашининг таҳлили қишлоқ жойларда доимий яшовчи 1-3 ёшдаги ўғил болаларда 3,2 баробар кўплигини кўрсатган. Аксарият ҳолларда 3- ёшгача бўлган болалар кўпроқ касалхонага ётқизилган.

Диссертациянинг «**Обструктив бронхит билан касалланган болалар иммунитетининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида болаларда ОБнинг учрашига кўра иммунологик тавсифи кўрсатилган.

1 ёшгача бўлган 135 нафар бола клиник-лаборатор текширувдан ўтказилган, улар қуйидагича гуруҳларга бўлинган: 1-гуруҳда 1 ёшгача бўлган 80 нафар ОБ билан касалланган болалар; 2-гуруҳда 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган 55 нафар ОБ билан касалланган болалар. Назорат гуруҳи 50 нафар ёшига мос соғлом болаларни ташкил этган.

Истисно мезонлари тариқасида асаб тизими ва брон-ўпка тизимининг туғма ривожланиш нуқсонлари, хромосом касалликлар, юрак қон томир касалликлари, ларинготрахеит, бронхиал астма касалликлари белгиланган.

Тадқиқот натижасида ўткир ОБ фаол даврида ИЛ-4 миқдори 3,7 мартага ($31,6 \pm 2,15$ пг/мл, $P < 0,001$) ишонарли ошиши, қайталанувчи ОБ фаол даврида назорат гуруҳига кўра 3,5 марта ($30,1 \pm 1,50$ пг/мл, $P < 0,001$) ошиши аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал.

Бир ёшгача обструктив бронхит билан касалланган болалар қонида цитокинлар миқдори

Кўрсаткич, пг/мл	Назорат гуруҳи (n=50)	Ўткир обструктив бронхит (n=40)		Қайталанувчи обструктив бронхит (n=42)	
		Фаол даври (n=40)	Ремиссия даври (n=14)	Фаол даври (n=42)	Ремиссия даври (n=10)
ИЛ-1	$53,5 \pm 2,21$	$56,2 \pm 3,95$	$48,72 \pm 2,99$	$57,4 \pm 2,81$	$59,8 \pm 3,84$
ИЛ-4	$8,5 \pm 0,40$	$31,6 \pm 2,15^{***}$	$28,6 \pm 1,72^{***}$	$30,1 \pm 1,50^{***}$	$32,3 \pm 1,69^{***}$
ИЛ-6	$59,1 \pm 2,79$	$56,8 \pm 3,65$	$64,6 \pm 4,37$	$57,5 \pm 2,67$	$61,3 \pm 3,24$
ИЛ-8	$14,5 \pm 0,66$	$22,2 \pm 1,38^{***}$	$19,4 \pm 1,12^{***}$	$22,8 \pm 1,20^{***}$	$24,0 \pm 1,27^{***}$
TNF- α	$23,8 \pm 1,02$	$21,0 \pm 1,46$	$16,9 \pm 0,88^{***}$	$23,9 \pm 1,15$	$25,1 \pm 1,35$

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (*- $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

ЎОБ ремиссия даврида унинг концентрацияси $28,6 \pm 1,72$ пг/мл га етган ва ҚОБ ремиссия даврида эса 3,8 мартага ошишига мойиллик ($32,3 \pm 1,69$ пг/мл, $P < 0,001$) кузатилган. Буларнинг барчаси иммун тизимининг зўриқиши ва клиник ремиссия даврида организмнинг яллиғланишга қарши жараёнининг давом этишини кўрсатган.

ЎОБни фаол даврида қонда ИЛ-8 миқдори назорат гуруҳига ($14,5 \pm 0,66$ пг/мл) кўра $22,2 \pm 1,38$ пг/мл гача ошган (1,5 мартага). ЎОБ нинг ремиссия даврида эса пасайишга мойиллик $19,4 \pm 1,12$ пг/мл атрофида сақланган ($P < 0,001$). ҚОБ нинг клиник ремиссия даврида ИЛ-8 миқдорининг ошиши кузатилган: унинг концентрацияси назорат гуруҳи кўрсаткичларига ($14,5 \pm 0,66$ пг/мл) нисбатан 1,65 мартага ишонарли ошган ($24,0 \pm 1,27$ пг/мл).

Олинган натижалар ўрганилган цитокинлар концентрациясининг ОБ кўзиши тезлигига кўра динамик ўзгаришлари клиник ремиссия даврида яллиғланиш олди (ИЛ-1, ИЛ-6, ИЛ-8, TNF- α) ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг (ИЛ-4) фаол синтези давом этишини кўрсатган. Улар концентрацияси асосида организмнинг яллиғланишга қарши иммун жавобининг фаоллиги ҳамда ОБнинг навбатдаги кўзиши истиқболини аниқлаш мумкин.

1 ёшгача болаларда ЎОБда ИЛ-4 миқдори - 3,7 мартага, ИЛ-8 - 1,5 мартага, IgA - 1,4 мартага, IgM - 1,4 мартага ошиши аниқланган ($P < 0,001$). 1 ёшгача болаларда ҚОБда ИЛ-4 миқдори - 3,5 мартага, ИЛ-8 - 1,65 мартага, IgA - 1,4 мартага, IgM - 1,2 мартага ва IgG - 1,1 мартага ошиши аниқланган ($P < 0,001$).

Тадқиқот натижаларидаги ЎОБ ва ҚОБда ИЛ-6нинг назорат гуруҳига нисбатан ($59,1 \pm 2,79$ пг/мл) пасайишига мойиллик борлиги (мос равишда $56,8 \pm 3,65$ ва $57,5 \pm 2,67$ пг/мл) унинг синтезини ОБ қайталаниши тезлигига алоқаси йўқлигини кўрсатган. Айти вақтда TNF- α миқдори ҳам ЎОБда назорат гуруҳига ($23,8 \pm 1,02$ пг/мл) нисбатан камайган $-21,0 \pm 1,46$ пг/мл, ОБ нинг такрорий қўзиши эса кўрсаткичларнинг ошишига мойил бўлган, назорат гуруҳи кўрсаткичларига ($23,9 \pm 1,15$ пг/мл) меъёрлашувига олиб келган. Ушбу ҳолат TNF- α нинг ҳужайралар фенотипини ўзгартириш орқали фаоллаштириш хусусиятини исботлаган.

Демак, ЎОБда унинг қайталаниш тезлигига боғлиқ бўлмаган равишда ИЛ-6 ва TNF- α синтезининг камайиши 1 ёшгача болаларда иммун танқис ҳолатнинг бошланишидан ва ноҳўя (bronхлар гиперреактивлигининг шаклланиши хавфи бўйича) кечишидан далолат берган.

1 ёшдан 3 ёшгача ЎОБ бўлган болалар қонида цитокинлар миқдорини ўрганиш ИЛ-4 ва ИЛ-8 концентрациясининг ошишини ҳамда TNF- α миқдорининг камайишини кўрсатган (3-жадвал). ЎОБ ва ҚОБнинг фаол ва ремиссия даврларида ИЛ-4 миқдорининг 4 марта ортиши хослиги аниқланган ($P < 0,001$).

3-жадвал.

1-3 ёшли болалар қонида цитокин кўрсаткичлари

Кўрсаткич, пг/мл	Назорат гуруҳи (n=50)	ЎОБ(n=19)		ҚОБ(n=34)	
		Фаол даври (n=19)	Ремиссия даври (n=8)	Фаол даври (n=34)	Ремиссия даври (n=18)
ИЛ-1	$78,3 \pm 3,57$	$77,0 \pm 4,31$	$81,9 \pm 3,98$	$81,8 \pm 4,93$	$94,1 \pm 5,93^*$
ИЛ-4	$8,1 \pm 0,34$	$31,6 \pm 1,28^{***}$	$30,6 \pm 1,85^{***}$	$33,1 \pm 1,53^{***}$	$34,9 \pm 1,73^{***}$
ИЛ-6	$78,1 \pm 3,64$	$79,1 \pm 4,04$	$83,3 \pm 6,0$	$74,8 \pm 3,17$	$86,6 \pm 4,22$
ИЛ-8	$14,9 \pm 0,69$	$22,4 \pm 1,11^{***}$	$21,6 \pm 1,09^{***}$	$23,4 \pm 1,04^{***}$	$24,8 \pm 1,34^{***}$
TNF- α	$25,9 \pm 1,14$	$21,4 \pm 1,0^{**}$	$17,9 \pm 1,43^{***}$	$24,4 \pm 0,89$	$27,5 \pm 1,52$

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (*- $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Бунда ИЛ - 8 миқдори ЎОБ ва ҚОБнинг фаол ва ремиссия даврларида 1,5 мартага ошган ($P < 0,001$). TNF- α миқдори ЎОБнинг фаол даврида назорат гуруҳига ($25,9 \pm 1,14$ пг/мл) кўра камайган ($21,4 \pm 1,0$ пг/мл, $P < 0,01$), ремиссия даврида унинг камайиши назорат гуруҳи кўрсаткичларидан паст бўлиб, $17,9 \pm 1,43$ пг/мл га ($P < 0,01$) етади.

1-3 ёшдаги болаларда ҚОБ фаол даврида ИЛ-1 миқдорининг назорат гуруҳига ($78,3 \pm 3,57$ пг/мл) кўра ошиши - $81,8 \pm 4,93$ пг/мл, ремиссия даврида эса 1,2 марта ошиши ($94,1 \pm 5,93$ пг/мл, $P < 0,05$) кузатилган.

ИЛ-6 миқдорининг ҳам ЎОБ ремиссия даврида ($83,3 \pm 6,0$ пг/мл) ва ҚОБ ремиссия даврида ($86,6 \pm 4,22$ пг/мл) назорат гуруҳига кўра ($78,1 \pm 3,64$ пг/мл) синхрон ошиши кузатилган. Текширув натижалари гипоталамус-гипофизар-

буйрак усти беги тизими бошқарувининг бузилиши механизмини исботлаган, бу ҳақда ОБ нинг клиник ремиссия даврида II-6 миқдори ошиши далолат берган. Текширилган ОБли беморлар қонида II-6 миқдорининг ошиши бир вақтда оғир яллиғланиш жараёни ва инфекция мавжудлигини кўрсатган.

Олинган натижалар болаларда ОБда мослашув иммун жавобининг шаклланиши хусусиятларидан далолат берган, бу ОБ кўзиши тезлигига кўра яққол иммунологик дисбаланс билан намоён бўлган ва иккиламчи иммун танқисликнинг ривожланишига асос бўлган.

Носпецифик ҳимоя омилларини ўрганиш фагоцитларнинг бироз функционал етишмовчилигини аниқлаган. Текширувларда 1 ёшгача бўлган болаларда фагоцитознинг назорат гуруҳига нисбатан (53,1±3,05%) пасайиши ЎОБ фаол даврида (52,1±3,28%) ҳамда ремиссия даврида ҳам (49,6±2,72%) кузатилган. Бундай ҳолат ҚОБ фаол ва ремиссия даврларида ҳам аниқланган, мос равишда 50,7±2,60% ва 51,0±2,67% (4-жадвал).

4-жадвал.

Обструктив бронхит билан касалланган 1 ёшгача болалар қонида фагоцитоз ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=22)	ЎОБ(n=40)		ҚОБ(n=42)	
		Фаол даври (n=40)	Ремиссия даври (n=14)	Фаол даври (n=42)	Ремиссия даври (n=10)
Фагоцитоз, %	53,1±3,05	52,1±3,28	49,6±2,72	50,7±2,60	51,0±2,67
IgA, мг%	85,2±5,09	118,4±7,69***	110,3±7,15**	117,0±6,29***	127,9±7,13***
IgM, мг%	73,7±3,86	96,6±5,91**	116,0±8,95***	109,6±5,36***	91,9±5,61**
IgG, мг%	855,7±35,97	989,5±62,4	957,4±46,3	1027,7±59,4*	1032±50,78**
IgE, мг%	23,0±1,01	20,7±1,43	19,6±1,28*	20,6±0,96	19,7±1,06*

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (*- P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Иммуноглобулинлар асосий синфларининг концентрациясини ОБнинг қайталаниш тезлигига кўра ўрганиш асосида ЎОБ ва ҚОБ да IgM синтезининг ошиши аниқланган - мос равишда 96,6±5,91 мг% ва 109,6±5,36 мг%. ҚОБда IgG концентрациясининг назорат гуруҳига кўра ишонарли даражада ошиши белгиланган - мос равишда 1027,7±59,36 мг% (P<0,05) ва 855,7±35,97 мг% (P<0,05).

Шунингдек тадқиқотларда IgA концентрациясининг ошиши қайд этилган: 1 ёшгача бўлганларда ЎОБ фаол даврида бўлган беморлар қонида IgA концентрацияси 1,4 марта (118,4±7,69 мг%) назорат гуруҳига нисбатан– (85,2±5,09 мг%) ошиши (P<0,001) ва ремиссия даврида пасайиш тенденцияси

аниқланган. ҚОБ фаол даврида унинг миқдори 1,4 мартага ошиши ($117,0 \pm 6,29$ мг%, $P < 0,001$), клиник ремиссия даврида 1,5 мартагача ошишига мойиллик борлиги ($127,9 \pm 7,13$ мг%, $P < 0,001$) кўрсатилган.

ЎОБ кузатилган 1 ёшгача бўлган беморлар қонини ўрганиш фаол даврда IgE миқдори пастлигини ва ремиссия даврида ишонарли камайишини ($19,6 \pm 1,28$ мг%, $P < 0,05$) ҳамда ҚОБда ҳам назорат гуруҳига нисбатан ($23,0 \pm 1,01$ мг%) камайишини ($19,7 \pm 1,06$ мг%, $P < 0,05$) кўрсатган. Бу ҳолат ОБ да аллергиянинг йўқлиги ва юқумли жараённинг мавжудлигини исботлаган.

1-3 ёшдаги ОБ бўлган болалар қонида фагоцитоз ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш IgA, IgM ва IgG миқдорининг ишонарли ошишини кўрсатган. Бунда IgA миқдорининг ЎОБ фаол даврида назорат гуруҳига нисбатан ($86,1 \pm 4,75$ мг%), 1,4 мартага ошиши ($120,9 \pm 6,48$ мг%, $P < 0,001$) ва ҚОБда 1,54 мартага ошиши ($129,2 \pm 5,85$ мг%) хос бўлган. ҚОБ ремиссия даврида унинг миқдори $132,5 \pm 6,54$ мг% гача ($P < 0,001$) ошган.

1-3 ёшдаги болаларда ЎОБ ва ҚОБ фаол даврида IgM миқдори 1,5 мартага ошган - мос равишда $108,8 \pm 5,30$ мг% ва $110,9 \pm 5,80$ мг% ($P < 0,001$). Ремиссия даврида унинг миқдори назорат гуруҳига нисбатан ($74,0 \pm 4,0$ мг%), ЎОБда $118,6 \pm 4,95$ мг% гача ($P < 0,001$), ҚОБда эса $101,6 \pm 6,52$ мг% гача ($P < 0,001$) ошган (5-жадвал).

5-жадвал.

Обструктив бронхит билан касалланган 1-3 ёшдаги болалар қонида фагоцитоз ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=50)	ЎОБ (n=19)		ҚОБ (n=34)	
		Фаол даври (n=19)	Ремиссия даври (n=8)	Фаол даври (n=34)	Ремиссия даври (n=18)
Фагоцитоз, %	$51,4 \pm 2,59$	$53,0 \pm 2,93$	$51,7 \pm 2,78$	$51,4 \pm 2,38$	$52,1 \pm 2,81$
IgA, мг%	$86,1 \pm 4,75$	$120,9 \pm 6,48^{***}$	$111,5 \pm 5,17^{***}$	$129,2 \pm 5,85^{***}$	$132,5 \pm 6,54^{***}$
IgM, мг%	$74,0 \pm 4,00$	$108,8 \pm 5,30^{***}$	$118,6 \pm 4,95^{***}$	$110,9 \pm 5,80^{***}$	$101,6 \pm 6,52^{***}$
IgG, мг%	$845 \pm 45,57$	$1019,0 \pm 48,90^*$	$1003,1 \pm 60,90^*$	$1033 \pm 42,87^{**}$	$1039,9 \pm 59,78^*$
IgE, мг%	$21,7 \pm 1,11$	$22,0 \pm 1,25$	$20,3 \pm 1,21$	$22,4 \pm 1,07$	$19,6 \pm 1,14$

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар муҳим (*- $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Бир вақтда ЎОБ фаол даврида IgG миқдорининг 1,2 мартага ($1019,0 \pm 48,90$ мг%, $P < 0,001$) ва ҚОБ фаол даврида 1,3 мартага ($1032,7 \pm 42,87$ мг%, $P < 0,001$) ошиши қайд этилган. ҚОБ ремиссии даврида назорат гуруҳига нисбатан ($845,0 \pm 45,57$ мг%), унинг миқдори $1039,9 \pm 59,78$ мг% гача ишонарли ($P < 0,001$) ошгани аниқланган.

1-3 ёшгача бўлган болаларда ЎОБ ва ҚОБ фаол ва ремиссия даврларида фагоцитоз ва IgEнинг қондаги кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичлари даражасида бўлган.

Демак, олинган натижалар асосида 1 ёшгача болаларда ЎОБда қонда IL-4 миқдори 3,7 мартага, IL-8 1,5 мартага, IgA 1,4 мартага, IgM 1,4 мартага ошган ($P<0,001$). 1 ёшгача ҚОБ бўлган болаларда қонда IL-4 3,5 мартага, IL-8 1,65 мартага, IgA 1,4 мартага, IgM 1,2 мартага ва IgG 1,1 мартага ишонарли ошган ($P<0,001$).

ОБда кўзиш тезлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда IL-6 ва TNF-а синтезининг пасайиши 1 ёшгача болаларда иммун танқис ҳолатнинг шаклланиши ва (bronхлар гиперреактивлигининг шаклланиши бўйича) ножўя кечишидан далолат берган.

1-3 ёшдаги болаларда ЎОБ ва ҚОБ қонда IL-4 4,0 мартага, IL-8 1,5 мартага, IgA 1,4 мартага, IgM 1,5 мартага ва IgG 1,2 мартага ошган ($P<0,001$). Демак, олинган натижалар болаларда ОБда мослашув иммун жавобининг шаклланиши хусусиятларидан далолат берган, бу ОБ кўзиши тезлигига кўра яққол иммунологик дисбаланс билан намоён бўлган ва иккиламчи иммун танқисликнинг ривожланишига асос бўлган.

ОБнинг қайталаниши истиқболини аниқлашда гуморал ҳолатнинг кўрсаткичлари аҳамиятини қиёсий баҳолаш учун 135 нафар болалар: 59 нафар ЎОБ билан бемор болалар (1-гуруҳ) ва 76 нафар ҚОБ бўлган бемор болалар (2-гуруҳ) ва 50 нафар соғлом болаларнинг сўлагига IgA, IgM, IgG ва IgE миқдори аниқланган.

ОБ бўлган бемор болалар сўлагига аниқланган иммуноглобулинлар миқдори асосида ҳар иккала гуруҳдаги беморларда IgM ва IgGнинг миқдори соғлом болалар кўрсаткичларининг юқори чегараларидан баландлиги аниқланган (6-жадвал).

6-жадвал.

Обструктив бронхит билан касалланган 1 ёшгача болалар сўлагига иммуноглобулинлар миқдори

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=50)	ЎОБ(n=40)		ҚОБ (n=42)	
		Фаол даври (n=40)	Ремиссия даври (n=14)	Фаол даври (n=42)	Ремиссия даври (n=10)
IgA, мг%	0,568±0,027	0,173±0,007***	0,23±0,015***	0,306±0,018***	0,308±0,014***
IgM, мг%	0,033±0,002	0,05±0,002***	0,041±0,003*	0,069±0,004***	0,025±0,001***
IgG, мг%	0,023±0,001	0,042±0,002***	0,028±0,002*	0,036±0,002***	0,037±0,002***
IgE, мг%	0,87±0,049	0,2±0,010***	0,22±0,015***	0,3±0,016***	0,26±0,014***

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - $P<0,05$, ** - $P<0,01$, *** - $P<0,001$)

ОБ фаол даврида IgMнинг сўлақдаги миқдори назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга кўра (0,033±0,002 мг%) 1,5 марта ошган (0,05±0,002 мг%,

P<0,001) ва ҚОБ фаол даврида 2,0 марта ошган (0,069±0,004 мг%, P<0,001) юқумли жараённинг навбатдаги кўзишидан далолат берган.

ОБ фаол даврида сўлакда IgG миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига (0,023±0,001 мг%) нисбатан 1,8 марта ишонарли ошган (0,042±0,002 мг%) (P<0,001), ҚОБда эса 1,6 мартага ошганлиги (0,036±0,002 мг%, P<0,001) аниқланган.

ЎОБ фаол даврида сўлакда IgA миқдорининг назорат гуруҳи кўрсаткичларига (0,568±0,027 мг%) нисбатан 3,3 мартагача (0,173±0,007 мг%, P<0,001) ишонарли камайиши, ҚОБда эса 1,8 мартагача пасайиши (0,306±0,018 мг%, P<0,001) аниқланган.

Бир ёшгача ОБ бўлган болалар сўлагини текшириш натижалари қондаги кўрсаткичга ўхшаш касалликнинг кўзиш тезлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда IgE миқдорининг пастигини кўрсатди: ЎОБда назорат гуруҳи кўрсаткичларига (0,87±0,049 мг%) нисбатан 4 мартага (0,2±0,010 мг%, P<0,001), ҚОБда эса 3 мартага ишонарли камайиши (0,3±0,016 мг%, P<0,001) кузатилган.

Ўрганилган 1 ёшдан 3 ёшгача ЎОБ бўлган бемор болалар сўлагиди ўрганилган иммуноглобулинларнинг бир биридан фарқли натижалари олинган (7-жадвал).

ОБ бўлган бемор болаларнинг ҳолатини баҳолашда ОБнинг қайталаниши тезлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда сўлакда IgA ва IgEнинг камайиши аниқланди (7-жадвал)

7-жадвал.

Обструктив бронхит билан касалланган 1-3 ёшгача болалар сўлагиди иммуноглобулинлар миқдори

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=50)	ЎОБ(n=19)		ҚОБ(n=34)	
		Фаол даври (n=19)	Ремиссия даври (n=8)	Фаол даври (n=34)	Ремиссия даври (n=18)
IgA, мг%	0,582±0,032	0,179±0,009***	0,26±0,016***	0,338±0,016***	0,344±0,018***
IgM, мг%	0,034±0,002	0,034±0,002	0,035±0,002	0,071±0,004***	0,030±0,002
IgG, мг%	0,027±0,001	0,044±0,002***	0,023±0,002	0,033±0,002**	0,036±0,002***
IgE, мг%	0,900±0,049	0,33±0,020***	0,27±0,015***	0,37±0,016***	0,270±0,017***

Изох: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

